

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши

11.442-гуруҳ битирувчиси Юлдашев Файзулло

Махмуджоновичнинг

**“ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ
КАФОЛАТЛАРИ”**

мавзусидаги

БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: ю.ф.н. Ж.Дадабоева

Фарғона – 2015

Битирув малакавий иш кафедранинг 2015 йил ____ майдаги ____ сонли
йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Кафедра мудири _____ ф.ф.н. Д.Э.Норматова

Тақризчилар:

1. Ж. Дадабоева

2. А.Сўпиев

Мундарижа

Кириш	3-9
I Боб. Ҳуқуқ ва эркинликлар устиворлигини таъминлаш асослари.	
1.1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тушунчаси ва мазмуни.....	10-17
1.2. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги сиёсати.....	18-33
II Боб. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг юридик кафолатлари.	
2.1. Ўзбекистон Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари.....	34-46
2.2. Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш.....	47-55
Хулоса	56-59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	60-61

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний кадриятларни дилида жо қилиб олган, ҳаётни гўзал ва фаровон қилиш, тинчлик, демократия, янги ҳаёт учун киришаётган меҳнаткаш инсон – энг олий даражадаги бойлик, кадриятдир. Инсоннинг олий кадрият эканлиги унинг даставвал ўз-ўзига ва жамиятнинг инсонга бўлган ахлоқий муносабатларида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши мамлакатимизда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисмлари бўлган инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари каби демократик кадриятни ривожлантириш имкониятини берди. Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонуни бўлмиш Конституциянинг қабул қилиниши оламшумул аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ва давлат, инсон ва жамият муносабатларининг ишончли кафолати, йиллик фаолиятимизнинг йўриқномаси бўлганлиги, унда бугунги реал воқелигимиз ҳамда эртанги кунимизга чуқур ишонч ўзининг ифодасини топганлигини кундалик ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар амалда тасдиқламоқда. Истиклол йиллари давомида юртимизда амалга оширилаётган барча жабҳалардаги ислохотлар инсон кадр-қимматини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, аҳоли учун муносиб турмуш тарзини яратишга қаратилди. Мустақил Ўзбекистоннинг Бош Қомуси – Конституциясининг 2-бўлимида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг умум эътироф этилган стандартлари ўз ифодасини топди, давлатнинг фуқаро олдида маъсуллиги мустаҳкамланди.

Зеро, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш нафақат давлат доирасидаги ҳаракатлар билан чекланмасдан, халқаро муносабатларда инсон ҳуқуқларига доир универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиб бормоқда. Эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган мустақил давлатимиз инсон

ҳуқуқларининг ҳимояси ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида жаҳон ҳамжамиятидаги мавжуд сиёсий жараёнлар билан ҳамоҳанг кадам ташламоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқларига доир 60 яқин халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, Қийноқ ва бошқа шавқатсиз, инсон кадр-қимматини камситувчи ғайринсоний муомала турлари ва жазоларга барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ушбу ҳужжатлар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси томонидан давлат мустақиллигининг дастлабки давларида, яъни 1991 йилда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига қўшилганлигида чуқур рамзий маъно бор.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари масалалари қай даражада ривожланганлигини илмий-амалий таҳлил қилиш, тегишли тавсия ва хулосаларни қабул қилиш ниҳоятда эътиборга сазовордир. Зеро, Инсон ҳуқуқларига оид Европа стандартлари Ўзбекистонда ҳам муайян даражада ўз ифодасини топиши мамлакатимизни янада ривожлантириши шубҳасиз.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлашга доир Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган давлат сиёсати изчил ривожланиб бориб, мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига содиқлиги ўзининг конституциявий ифодасини топиб, бугунги кунда шу соҳада кенг қонунчилик базаси яратилди. Муҳими шундаки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тобора мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ҳал қилувчи омиллар, жумладан, халқ ҳокимиятчилиги, давлатнинг инсон олдида масъуллиги белгиланди.

Инсон ҳуқуқлари, энг аввало, умуминсоний қадриятларга, умумжаҳон цивилизациясига, бу соҳада бошқа халқаро эришилган тажрибаларга ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрларига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, инсон ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаган. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари ва умуминсоний қадриятлар миллий қонунчилигимизга сингдирилиб, устувор мақомга эга бўлди. Адолатли фуқаролик жамиятнинг ҳуқуқий асослари жадаллик билан шакллантирилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, бунда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини реал таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

2005 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислон Каримов “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият” мавзусида маъруза қилиб, унда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида белгилаб қўйилгани, Конституциямиз ғоят мураккаб машаққатли ривожланиш йўлидан боришда, ўта таҳликали вазиятларда тўғри йўлни топиш ва келажакка ишонч билан қарашда асос бўлиб хизмат қилиб келатганлиги таъкидлади.

Дарҳақиқат, Конституциямиз юртимизда яшаётган ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси оила тақдирида, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажаги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эгадир.

“Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир”¹.

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг илк қадамларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама этибор қаратиб келди ва бу бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Ўтган даврда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999, 15-бет.

қонун ижодкорлиги йўналишида амалга оширилган ишлар шунчалик сермахсул ва серқирра бўлдики, булар инсон, жамият ва давлат масалаларига тегишли аксарият муаммоларни ўз ичига олди.

И.А.Каримов қабул қилинган янги Конституция нуқтаи назаридан қонунчиликни кўриб чиқиш лозим, деган талабни илгари сурди. Президент томонидан талабларни ҳаётга жорий этиш мамлакатимизда турли соҳалар бўйича кодекслар ва ҳуқуқий меъёрлар тайёрлашга жадал киришилди. Бу ҳужжатлар хўжалик юритишни такомиллаштириш, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи ва жиноят жараёни, фуқаролик кодекси ва бошқа кодексларнинг асосий демократик тамойиллари, инсон эрки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва улар изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Республика Президенти бошчилигида ҳам жамиятимизни янада демократлаштиришга қаратилган талайгина тадбирлар амалга оширилди. Бундай амалга оширилган ишлар халқнинг миллий хусусиятларини, тарихи, урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда шарқона демократия яратишни назарда тутди. Шунинг учун инсон ҳуқуқларига тегишли бўлган масалаларни тартибга солган мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қоидаларини республикамизнинг ўзига хос ва ноёб хусусиятларини назар-эътиборга олиб татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фуқаролар тегишли ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи идораларга мурожаат этганида, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли фуқаронинг ҳуқуқларини камситадиган ҳоллар мавжудлиги амалиётда маълум. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қатор сессияларида бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш зарурлигини кайд этган.

Президентимизнинг асарларини ўрганиш орқали уларнинг кўпчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, давлат, ҳуқуқ, қонун масалаларига алоҳида эътибор берилганлигини кўришимиз мумкин.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласини устувор вазифа деб қараш ва шу асосида йўл тутиш, бу жараёни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуни ёритишда назарий методологик асос бўлиб Президент И.А.Каримовнинг асарлари¹, жумладан унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият” маърузаси муҳим манба ҳисобланди. Шунингдек, И.А.Каримовнинг 2007 йил 12 февралдаги Вазирлар Маҳкамаси Мажлисидаги “Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир” номли, ЎЗР Конституцияси 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир” номли маърузалари, “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”, “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” сингари бир қатор асарлари концептуал-методологик жиҳатдан мавзуни ёритиб беришга хизмат қилади.

Ҳозирги замонда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши, бу жараёнда инсон ва фуқаро ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликларининг таъминланиши турли йилларда чоп этилган дарслик ва қўлланмаларда ҳам акс эттирилган². Бундан ташқари инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари, кадр-қиммати ва манфаатлари – энг олий қадрият эканлиги у ёки бу тарзда сўнги йилларда инфор

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995; Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 – Т.: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. // Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997; Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2005 йил 7 декабрда сўзлаган маърузаси. // Халқ сўзи. 2005 йил 8 декабрь ва б.

² Бегматов А. “Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши”, “Шарқ”, Тошкент, 2000; Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. –Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти нашриёти, 2003; Миллий истиқлол ғояси. Дарслик. Т.: Академия, 2005; Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2002; Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Т.: Наврўз, 2005 ва б.

тизимда кенг ёритиб келинмоқда. Хусусан Интернет сайтларида бу ҳақдаги мақолалар ва материаллар билан танишиш мумкин³.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мустақил тараққиёт йилларида юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлида катта ўзгаришлар содир бўлди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминловчи мавжуд қонунчилик тизимини ва Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсатини ўрганиш мазкур битирув малакавий ишимизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Шу мақсадда қуйидаги вазифаларни ўз олдимизга қўйдик:

- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тушунчаси ва мазмуни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

- Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги сиёсатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- Жамиятни демократлаштиришда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, кадр-қиммати ва манфаатларининг устувор эканлигини кўрсатиш;

- Конституциямиз ва бошқа қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари мазмунини очиқ бериш;

- Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасидаги ютуқлар ва муаммоларни очиқ бериш.

Мавзунинг объекти ва предмети. Мавзунинг объекти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари ҳисобланади.

Мавзунинг предметини мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан боғлиқ равишда **инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини таъминлаш** билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

Ишнинг янгилиги ва эришилган натижалар. Битирув-малакавий ишда инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари, кадр-қиммати ва

³ <http://edu.bilimdon.uz/> ; www.press-service.uz ; www.ref.uz ; www.auditorium.ru

манфаатлари демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамият қуриш жараёнида ҳамиша устувор бўлиб келгани, уларни ҳимоя қилиш эса нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда долзарб масалалардан бири бўлиб келаётгани таҳлил қилинган.

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишда келтирилган маълумотлардан Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, Ҳуқуқшунослик.Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, Сиёсатшунослик фанларини ўрганишда, курс ишлари ва рефератлар ёзишда, семинарларга тайёргарлик кўришда, мустақил ишларни бажаришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот методларини билишнинг илмий усуллари –муаммовий-мақсадли, қиёсий ҳуқуқий, тарихийлик, мантиқийлик, статистик усуллар ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми мавзунинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мавзуни ҳар томонлама ўрганишни таъминлайди.

Битирув малакавий иш 61 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, 4 параграфни ўз ичига олган 2 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

I Боб. Ҳуқуқ ва эркинликлар устиворлигини таъминлаш асослари.

1.1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тушунчаси ва мазмуни.

Ўзбекистон Республикасининг демократик ҳуқуқий давлатни қуришдан асосий мақсади – ушбу давлатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашдан иборатдир.

Кафолат сўзининг луғавий маъноси бу – масъулиятни, жавобгарликни ўз устига олган ҳолда ишонтириш, таъминлаш деган маънони англатади⁴.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларининг асосий вазифаси шундан иборатки, биринчидан, инсон ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш, уларнинг бузилишига йўл қўйилган бўлса, уларни бартараф этиш; иккинчидан, ушбу ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш сиёсатини олиб бориш.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни давлат томонидан таъминлашга ёрдам берадиган воситалар, усуллар ва шарт-шароитлар мажмуи кафолат тушунчасини беради. Кафолатнинг асосий вазифаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашдир⁵.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатининг қуйидагича таърифини келтириш мумкин. Инсон ҳуқуқларининг ва эркинликларининг кафолати – бу умумхалқ муҳокамасидан ўтказилган, давлат томонидан ўрнатилган ёки тасдиқланган, шахслар ва фуқароларга белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалда таъминлашга ёрдам берадиган ҳуқуқий воситалар, юридик усуллар ва шарт-шароитлар мажмуидир. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни кафолатлашнинг вазифаси шундан иборатки, биринчидан,

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. З.М.Маруфов таҳрири остида. 1том. М.: Рус тили нашриёти, 1981, 373-бет

⁵ Мирзаюсуф Рустамбоев, Даврон Аҳмедов, Садриддин Хидиров, Ихтиёр Беков. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш”. “Янги аср авлоди”, 2005, 120-бет.

турли давлат органлари, мансабдор шахслар ва алоҳида шахслар томонидан қонунда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда тўсқинликка йўл қўймаслик, агарда бунга маълум бир сабаблар оқибатида йўл қўйилган бўлса уни қонун нормаларида ўрнатилган тартиб ва воситалар орқали бартараф этиш; иккинчидан, шу ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларини ҳуқуқшунос олимлар бир неча гуруҳ ва шаклларга бўлиб ўрганишади. Қуйида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Д.Қ.Аҳмедов, О.К.Турғунов, А.М.Хошимхонов, У.Ш.Хусаиновлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи кафолатларни қуйидаги гуруҳлар⁶:

1. Ҳуқуқий кафолатлар;
2. Ижтимоий-сиёсий кафолатлар;
3. Иқтисодий кафолатлар;
4. Халқаро ҳуқуқий кафолатларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Кафолатларни гуруҳларга бўлиш:

биринчидан, уларни амалда татбиқ этиш механизми ва усулларини самарадорлигини оширади;

иккинчидан, уларни назарий жиҳатдан ўрганишни осонлаштиради;

учинчидан, ҳуқуқ ва эркинликларнинг табиатини ифода этади, деб фикр билдирадилар.

М.Рустамбоев, Д.Аҳмедов, С.Хидиров ва И.Бековлар кафолатларни қуйидагича туркумлаш мумкин деб баҳолайдилар⁷:

1. Юридик (ҳуқуқий);
2. Ижтимоий-сиёсий;

⁶ Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолати(муаллифлар жамоаси). Ўқув қўлланма. Тошкент.: ТДЮИ, 2006, 142-бет.

⁷ Мирзаюсуф Рустамбоев, Даврон Аҳмедов, Садриддин Хидиров, Ихтиёр Беков. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш”. “Янги аср авлоди”, 2005, 120-бет.

3. Иқтисодий (моддий).

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда юридик кафолатлар алоҳида ўрин тутади, чунки бошқа барча кафолатлар юридик жиҳатдан тартибга солинишни тақозо этади. Яъни, юридик кафолатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қонунлар асосида ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишидир. Юридик кафолатларнинг реал амалга ошиши фақат демократик режим шароитида кузатилади.

Ҳуқуқий кафолатлар мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш мумкин бўлган ҳаракатларни тақиқлаш ва чегаралашнинг юридик меъёрларини мустаҳкамлаш;

- фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширишларида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъуллиги;

- тажовуз этишдан ҳимояланишни таъминловчи махсус меъёрлар (шикоят қилиш ҳуқуқи, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи) мавжудлиги;

- ҳуқуқларни бузганлик учун юридик жавобгарликнинг белгиланганлиги (мулкий, интизомий, маъмурий, жиноий);

- фуқароларга қаратилган ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган тегишли давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга оширишни мустаҳкамлашда жамоат идоралари, мансабдор шахсларнинг фаолияти⁸.

Д.Қ.Ахмедов, О.К.Турғунов, А.М.Хошимхонов, У.Ш.Хусаиновлар ҳуқуқий кафолатларнинг қуйидаги:

1. Конституциявий кафолатлар;

2. Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш;

3. Омбудсман фаолияти кўринишлари мавжудлигини таъкидлайдилар ва уларни қуйидагича изоҳлайдилар⁹:

⁸ Мирзаюсуф Рустамбоев, Даврон Ахмедов, Садриддин Хидиров, Ихтиёр Беков. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш”. “Янги аср авлоди”, 2005, 120-б; Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолати(муаллифлар жамоаси). Ўқув кўлланма. Тошкент.: ТДЮИ, 2006, 143-бет.

Конституциявий кафолатларга – мамлакат Конституциясида бевосита мустаҳкамланган кафолатлар киради. Бунга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг X бобининг 43-46-моддаларида мустаҳкамланган нормаларни кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ ва эркинликлар барча учун тенг кафолатланади.

Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш – Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти тизимдаги органлар томонидан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашдан иборат. Бугунки кунда мамлакатимизда олиб борилаётган изчил суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади ҳам айнан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган.

Омбудсман фаолияти – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан 1996 йилнинг 31 октябрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ташкил этилди¹⁰. 2004 йил 27 августда эса “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида” қонун қабул қилинди¹¹. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида Омбудсман институти ташкил этилган. Омбудсман инсон ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган маълум бир ташкилот устидан тушган шикоятларни қабул қилувчи ва кўриб чиқувчи мустақил, беғараз учинчи томон сифатида ўз ишини олиб боради. Омбудсман инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадини кўзлаб текширув ўтказиши ва тавсиялар бериши, маъмуриятни тўғри йўлга солиши, парламентга ва жамоатчилик эътиборига натижаларни тақдим этиши мумкин.

⁹ Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолати(муаллифлар жамоаси). Ўқув қўлланма. Тошкент.: ТДЮИ, 2006, 143-бет.

¹⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказни тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. // Халқ сўзи, 1997, 3 ноябрь.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги қонун (янги таҳрири) //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 38-сон, 420-модда.

Ўзига хос институт бўлиб ҳисобланган Омбудсман мустақил ва беғараз фаолиятни юритиши сабабли бировни қоралаш ёки оқлаш унинг вазифаси эмас. Ушбу институт текширув ўтказди, фактларни ва бошқа далилларни аниқлайди ҳамда баъзи ҳолатлар бўйича тавсиялар беради.

М.Рустамбоев, Д.Аҳмедов, С.Хидиров ва И.Бековлар юридик кафолатларнинг қуйидаги шакллари мавжуд деб ҳисоблайдилар¹²:

1. Конституциявий ҳуқуқий кафолатлар;
2. Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш;
3. Омбудсман фаолияти;
4. Ҳукумат фаолияти.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи Конституциявий ҳуқуқий кафолатлар, судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш ҳамда Омбудсман фаолияти орқали кафолатлаш шакллари тўғрисида ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари бир хил.

Ҳукумат фаолияти – ҳукумат томонидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чиқарган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида амалга оширилади, деб изоҳ берадилар.

Сиёсий кафолат – бу давлатда амал қилиб турган сиёсий тизим. Ушбу тизим, мамлакатнинг олиб бораётган сиёсий майдондаги фаолияти орқали жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишидан ҳимоя этиш учун хизмат қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини сиёсий кафолатлаш қуйидагиларга боғлиқ:

–Давлатнинг мамлакат миқёсида олиб бораётган сиёсатининг мақсадига;

–Сиёсий плюрализмга;

–Сиёсий мафкурага;

–Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолатига;

¹² Мирзаюсуф Рустамбоев, Даврон Аҳмедов, Садриддин Хидиров, Ихтиёр Беков. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш”. “Янги аср авлоди”, 2005, 121-122-бетлар.

–Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига.

Иқтисодий кафолатларга вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий тизим киради. Мустақил Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги ва ҳимоясини тан олган ҳолда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли билан мулкдорларнинг сафини кенгайтирадиган ҳуқуқий жамиятни барпо этмоқда. Қилинаётган ушбу ҳаракатлар халқни иқтисодий кафолатлашга ёрдам беради. Иқтисодий кафолатларга:

Адолатли истеъмол муносабатини давлат томонидан расмий равишда мустаҳкамлаш;

Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш;

Давлат томонидан аҳолини кам таъминланган қатламини, вояга етмаганлар ва ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

Барча мулк шаклларининг тенглигини ҳамда фуқароларнинг мулк ҳуқуқларини таъминлаш киради.

Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, давлат томонидан турли хилдаги кафолатлар ўрнатилгандир. Буни давлатимиз ҳуқуқий, ташкилий, моддий ва сиёсий жиҳатдан кафолатлайди¹³. Бу кафолатларнинг асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатиб ўтилгандир. Жумладан, Конституциянинг 43-моддасига биноан давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасига асосан вояга

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи (муаллифлар жамоаси). ТДЮИ. Тошкент: “Молия”, 2002, 292-бет.

етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари жумласига, асосан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва ҳуқуқий кафолатлар киради.

1) фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг иқтисодий кафолатлари – саноатнинг самарали ишлашини; мустаҳкам молиявий ва пул тизимини; иш ҳақининг, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида берилишини; аҳоли яшаш даражасининг минимуми ҳамда улар манфаати яхшилашини таъминлашга хизмат қилади;

2) фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг сиёсий кафолатлари орқали шахснинг жамият ва давлатда тутган ўрни; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги; кўп партиявийлик; фикрларнинг хилма хиллиги; мустаҳкам давлат ҳокимияти таъминланади;

3) фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг ташкилий кафолатлари – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назоратни амалга оширувчи органлар тизимининг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, амалдаги қонунлар асосида ҳамда қонун ҳужжатларини ижро этиш мақсадида ҳамда фуқароларга берилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашга қаратилади;

4) фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг юридик кафолатлари. Юридик кафолатларни иккига: суд ва суддан ташқари турларга бўлинади. Бунда, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати бўлиб – бутун қонунчилик ҳисобланади.

Ю.М.Козловнинг фикрича, қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг чинакам кафолати бўлиши учун қуйидагилар талаб қилинади:

биринчидан, давлатда фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини бекор қилувчи ёки чеклаб қўядиган қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши мумкин эмас;

иккинчидан, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари айрим ҳолатларда ва асосий қонунда белгиланган тартибда чекланиши мумкин. Масалан, конституциявий ёки давлат тузумини ҳимоя қилиш, шахсларнинг соғлиғи, ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлатнинг мудофаасини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари чекланиши мумкин;

учинчидан, қонунчиликда фуқароларнинг чекланиши мумкин бўлмаган ҳуқуқлари ва эркинликлари кўрсатиб ўтилиши мумкин. Масалан, инсонларнинг яшаш ҳуқуқи, шахсларнинг қадр-қиммати, шаъни, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, виждон эркинлиги ва бошқалар;

тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига дахлдор бўлган норматив ҳужжатларнинг расмий ҳолда оммага эълон қилинмаган бўлса, қабул қилиниши мумкин эмас¹⁴.

Демак, жорий қонунларда фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг юридик кафолатлари таъминланган бўлиши керак.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари” деб номланган X боби муҳим аҳамиятга эгадир (43-46 моддалар). Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонунлар асосида мустаҳкамлаб қўйилиши, албатта зурурдир. Бу ишнинг ярми бўлиб, энг мураккаб томони эса инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ва самарали татбиқ қилинишидир.

¹⁴ Административное право: учебник / Под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. – Москва, Юристь, 2000. 130-бет.; Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ, Дарслик. Т. 2006.130-бет.

1.2. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги сиёсати.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда ўз давлат мустақиллигини эълон қилгач, асосий давлат институтларини ҳокимиятнинг конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосида шакллантиришга киришди. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатларни самарали ривожлантириш мақсадида инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш миллий тизимини умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мослаштириш зарурати пайдо бўлди. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлди:

биринчидан, Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатни олиб боришда ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлади;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси универсал халқаро ташкилотларга, жумладан, улар орасида энг асосийси ҳисобланган БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларига ҳамда етакчи минтақавий халқаро ташкилотларга аъзо бўлди ва уларнинг ишида фаол қатнашиб келмоқда;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларга, энг аввало, БМТнинг олти асосий халқаро шартномаларига қўшилди.

Мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари шаклланди, улар сирасига қуйидагилар киради:

1. Демократиянинг ва инсон ҳуқуқларининг умумэътироф этилган принципларига, ўзининг халқаро мажбуриятларига садоқат.
2. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий манфаатлар устуворлиги.
3. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш.
4. Демократик ислоҳотларни аста-секин ва босқичма-босқич амалга ошириш.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни ушбу принципларга таянган ҳолда жамият ҳаётига, фуқароларнинг ва давлат хизматчиларининг онгига сингдириш бўйича кенг кўламли ишлар бошланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ва механизмларини бирон-бир давлатга ёки халқаро ташкилотга яхши кўриниш учун ривожлантирмади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мустақил Ўзбекистоннинг асосий вазифасига айланган эди.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 7 конституциявий қонунлар, 16 та кодекс ва инсон ҳуқуқларига оид 600 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Асосий қонун ҳужжатлари орасида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Нодавлат ноижорат ташкилотлар тўғрисида”ги, “Аёллар учун қушимча имтиёзлар тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги, “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Адвокатура тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқалар.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари тизими шаклланган бўлиб, у шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунларни ўз ичига олади.

Инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларининг асоси ва пойдеворини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси – бу давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида эришилган тараққиётни баҳолаши мумкин бўлган ўзига хос юридик эталон. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мавжуд мақсадлар ва принциплар ўзининг умумийлиги ва универсаллиги боис кўп давлатларнинг конституцияларида ва миллий қонунларида ўз ифодасини топгани тасодиф эмас. XXI аср бошида у халқаро одат ҳуқуқининг умумэътироф этилган нормасига айланди.

Мустақиллик эълон қилинган, Ўзбекистон парламенти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига алоҳида аҳамият бериб, уни биринчи халқаро шартнома сифатида ратификация қилди. Бу билан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари халқаро каталогини ўзининг ташқи ва ички сиёсатининг устувор йўналиши сифатида мустаҳкамлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси мамлакатимизда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишнинг юридик кафолати ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига оид халқаро принциплар ва нормаларга содиқ бўлган Ўзбекистон суверен, демократик ҳуқуқий ва дунёвий давлат сифатида, энг аввало, Конституциясининг учдан бир қисмидан зиёдини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишлаб, уларнинг устуворлигини конституциявий тарзда мустаҳкамлаб қўйди ва илгари инсон ҳуқуқларига нисбатан давлат манфаатлари устуворлиги принципига барҳам берди.

Ўзбекистон халқини 130 дан зиёд этник гуруҳ вакиллари ташкил этадилар. Биз учун шуниси ғоятда муҳимки, Конституция инсон ва фуқаронинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан катъи назар, барчанинг қонун ва суд олдида тенглигини ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглигини кафолатлайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Конституцияси ҳақиқатдан ҳам фикрни, ғоялар ва мулоҳазаларни эркин ифодалаш ва ёйиш ҳуқуқини, ижод, матбуот

эркинлиги, ахборот узатиш ва уни тарқатиш эркинлигини кафолатлайди. Мамлакатда 1000 га яқин оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақил газета ва журналлар, телевизион кўрсатувлар ва радиостанциялар мавжуд. Газета ва журналлар 12 тилда, яъни ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, инглиз, корейс ва бошқа тилларда чоп этилади.

Фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи Конституцияда алоҳида модда билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бепул таълим олиш билан биргаликда, тўлов асосида таълим олиш имконияти ҳам давлат томонидан кафолатланган. Таълим олишга ва маърифатга интилиш ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларидан бири.

Хусусий мулкнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Илгари рад этилган бу нарса бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ажралмас ҳуқуқи, фаровонлигининг табиий манбаи, иқтисодий ва шахсий мустақиллигининг кафолати сифатида тан олинади ва кафолатланади. Мулк дахлсиз бўлиб, ҳеч ким ўз мулкидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмас, мулк фақат суд қарорига асосан эгасининг иродасига қарши бўлиб қўйилиши мумкин. Ўзбекистон Конституциясида хусусий мулк давлат мулки билан бир қаторда ҳимоя қилиниши тўғрисидаги тубдан янги ва муҳим ҳуқуқий норма ва ҳар бир шахсга мулкка эга бўлиш, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни ўз ихтиёри билан тасарруф қилиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституция меҳнат қилиш эркинлигини эътироф этган ҳолда, фуқароларни мажбурий меҳнатга жалб қилишни тақиқлайди, давлат эркин касб танлаш ҳуқуқини беради. Ишсизлар учун қулай шароит яратиб бериш, уларни касбий қайта тайёрлаш, ишга жойлаштириш давлат зиммасидадир.

Аёлларнинг сиёсатда иштирок этиш ҳуқуқига оид замонавий қонунчилик базаси уларни эркаклар билан бир қаторга қўйди. Бизнинг парламентимиз аъзолари, ҳокимлар, ҳоким ўринбосарлари, вазирлар ўринбосарлари орасида аёллар фаолият кўрсатмоқда, 200 дан зиёд хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ,

уларнинг парламентда, ҳукуматда ва суд тизимида етарли даражада иштирокини таъминлаш учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозим.

Ўзбекистон давлат сиёсати миллатчилик, ирқчилик, геноцид, халқларни мажбурий кўчириш ёки чиқариш, бошқа халқларни камситиш ва ассимиляция қилиш сиёсатини бутунлай инкор этади.

Ўзбекистон халқига илдизи анъанавий турмуш тарзига бориб тақаладиган жамоавий ижтимоий тузилиш тарихан хос, бу нафақат оила манфаатларининг устуворлигида, аҳолининг ҳаёт фаолияти жамоавий турмуш тарзига содиқлигида намоён бўлади, балки, жамиятнинг бутун ижтимоий таркибига ҳам таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг амалдаги кўплаб шакллари жамоа хусусиятларига эга. Миллий демократик институт бўлмиш маҳалла ҳам ана шундай ижтимоий институт ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ўзини ҳам фаровон ва муносиб ҳаёт кечирishi учун ўзаро ҳурмат ва ғамхўрлик бўлиши шарт бўлган муайян жамоа деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун Ўзбекистон бозор иқтисодига ўтишда ўзи учун танлаб олган йўл муайян даражада миллий-тарихий турмуш тарзини, фикрлаш тарзини, миллий урф-одатлар ва маҳаллий анъаналарни эътиборга олиш билан боғлиқ.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун конституциявий ва зарур қонунчилик асослари яратилган.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ, Ўзбекистон халқаро ташкилотларнинг иштирокисиз ва инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро ҳужжатларга кўшилмай туриб, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мумкин эмаслигини англаб етди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон бу соҳада 70 та асосий халқаро ҳужжатга кўшилган. Булар — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Женева конвенциялари ва уларга қўшимча протоколлар, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий,

ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Қийноқ, ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция, Янги Европа учун Париж Хартияси ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олиб, уларнинг бажарилиши юзасидан вақтида ҳисобот беради. 1998 йидан бошлаб Ўзбекистон БМТнинг тегишли қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларини юбормоқда. Мустақиллик йиллари давомида конвенция ва пактларнинг бажарилиши ҳақида 30 га яқин миллий маърузалар юборилган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга қўшилиш сиёсатини давом эттираётганини таъкидлаш жоиз. 2008 йилда парламент томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг иккита конвенцияси, яъни “Ишга қабул қилиш учун минимал ёш тўғрисида”ги 138-конвенция ҳамда “Болалар меҳнатининг энг оғир шакллари тақиқлаш ва зудлик билан барҳам бериш тўғрисида”ги 182-конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари базасини яратиш билан баробар инсон ҳуқуқлари ва эркинларини ҳимоя қилиш механизмларини институционал расмийлаштиришга қаратилган улкан ишлар олиб борилди. Ушбу жараёнда давлат асосий ташаббускор бўлиб иштирок этганини таъкидлаш жоиз. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Иккинчи жаҳон конференциясининг (1993 йил, Вена) ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тузиш тўғрисидаги даъватига биноан Ўзбекистонда қуйидаги демократик институтлар ташкил этилди:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;
- 2.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман);
- 3.Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази;

4.Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчиликни мониторинг қилиш институти;

5.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича қўмитаси.

Давлат ҳокимият турли тармоқлари ваколатларининг бўлинишини таъминлашга қаратилган сиёсат олиб бормоқда. Ихтисослаштириш соҳалари бўйича алоҳида дифференциялаш, айниқса, суд тизимига хос. Ўзбекистонда Конституциявий суддан ташқари умумий ва хўжалик судлари ҳам тузилган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш давлат тизимидан ташқари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган ноҳукумат ташкилотларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Улар сирасига “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Судьялар ассоциацияси, Адвокатлар палатаси, Мустақил номзодларни қўллаб қувватлаш маркази, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқаларни киритиш мумкин. Умуман, мамлакатда 6100 дан зиёд ноҳукумат ташкилотлар рўйхатга олинган.

Инсон ҳуқуқлари таълими бўйича БМТ ўн йиллиги доирасида инсон ҳуқуқлари ҳақидаги билимларни ошириш мақсадида Ўзбекистонда миллий институтлар ва нодавлат ташкилотлар турли халқаро ташкилотлар билан биргаликда кенг қўламли ахборот-маърифий ишларни амалга оширмоқда. Ҳар йили Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги долзарб муаммолар ва бу соҳадаги асосий халқаро стандартларга оид 100 дан зиёд семинарлар, тренинглари, ўқув курслари ва маърузалар ўтказилади.

Ўзбекистоннинг барча мактаблари ва олий ўқув юртларида, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги ЮНЕСКОнинг Инсон ҳуқуқлари, тинчлик, демократия, бағрикенглик ва ўзаро тушуниш кафедрасида “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курси киритилган.

Бундан ташқари, давлат институтлари ахборот-маърифий соҳага оид илмий нашрлар бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистондаги инсон

ҳуқуқлари билан шуғулланадиган барча вазирлик ва идоралар саҳифаларида ушбу масала устувор аҳамият касб этувчи ўз босма нашрларига эгадирлар. Умуман, инсон ҳуқуқлари масаласи 20 дан зиёд ихтисослаштирилган юридик газеталарда ва 5 та журналда ёритилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиладиган “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” ҳамда “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журналлари етакчи нашрлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид плакатлар, китоблар, брошюралар мунтазам равишда нашр этилади.

Хотин-қизлар, болалар, диндорлар, камокда сақланаётганлар ва ННТ вакиллари аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол иш олиб бориладиган асосий қатламларидир.

Ўзбекистон Ресубликасида сўнгги йиллар давомида ижтимоий сиёсатни олиб боришда аёллар ва болаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 1999 йил – Аёллар йили, 2000 йил – Соғлом авлод йили, 2001 йил – Она ва бола йили, 2002 – Қарияларни кадрлаш йили, 2003 йил – Обод маҳалла йили, 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили, 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили, 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили, 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили, 2008 йил – Ёшлар йили, 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, 2010 йил – Баркамол авлод йили, 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, 2012 – Мустаҳкам оила йили, 2013 – Обод турмуш йили, 2014 – Соғлом бола йили, 2015 – Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинди. Шу давр ичида давлат томонидан аёлларни, оналик ва болаликни муҳофаза этишга қаратилган бир қатор қонуний чоралар қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги ННТлар фаолиятида аёлларнинг фаол иштирок этиши кузатилмоқда. Мамлакатда рўйхатга олинган ННТларнинг ярмидан зиёди аёллар масалалари билан шуғулланади ёки аёллар томонидан бошқарилади.

Шунингдек, Ўзбекистондаги фуқаролик мулоқотида диндорлар ҳам алоҳида ўринга эга. Давлат тузилмалари турли диний конфессиялар вакиллари билан доимий алоқада, уларни рўйхатга олиш ва фаолиятини амалга ошириш бўйича маслаҳатлар берилади. Турли диний конфессиялар ўртасида ҳам мунтазам равишда мулоқотлар олиб борилади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида сўнгги йилларда диндорлардан ташқари, турли тоифадаги қамокда сақланаётганлар: аёллар, эркаклар, ўсмирлар алоҳида эътиборни жалб қилиб келмоқда. “Болаларни қутқаринг” ноҳукумат хайрия ташкилоти ва БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ) томонидан болалар колонияларида инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқув машғулотлари бўйича бир қатор акциялар олиб борилди.

ННТлар фуқаролик жамиятини барпо этишда йилдан-йилга давлатнинг муҳим ҳамкорига айланиб бормоқда. ННТларни ўқитиш бўйича семинарлар ва тренинглари ўтказиш уларнинг давлат тузилмалари билан алоқаларини мустаҳкамлади, инсон ҳуқуқлари бўйича мониторинг олиб бориш, муқобил ҳисоботлар ва маърузалар тузиш ва ёзиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш имкониятини яратиб берди.

“Фуқаролик жамияти” атамаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода, фуқаролик жамияти давлат ва унинг тузилмалари томонидан бевосита қамраб олинмаган қисмини, яъни давлатнинг “вақти етмайдиган” барча нарсани ўз ичига олади.

Тор, асл маънода фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлат билан узвий боғлиқ, улар бир-бирисиз мавжуд бўлолмайди. Фуқаролик жамияти бозор ва демократик ҳуқуқий давлат шароитида эркин ва тенг ҳуқуқли индивидлар ўртасидаги ўзаро хилма-хил муносабатларни англатади.

Фуқаролик жамияти асосан қуйидан шаклланади, у юксак маънавиятга, маърифатга, таълимга, адолатга интилиш хос бўлган халқимизнинг менталитетига асосланади. Биз халқимизнинг ахлоқий қадриятлари билан уйғунлашиб кетадиган демократияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишга интиламиз.

Ўзбекистон Республикаси умуминсоний қадриятларни ва демократик фуқаролик жамияти принципларини: хоҳиш-иродани эркин ифодалаш, камчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жамият ва давлат бошқарувида тенг ҳуқуқли иштирок этишини эътироф этади. Шунингдек, қуйидаги иккиламчи принципларни ҳам санаб ўтиш мумкин: давлат асосий органларининг сайлаб қўйилиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисобдорлиги, тайинлаш йули билан шакллантириладиган давлат органларининг сайланадиган органларга ҳисобот бериши ва бошқалар.

Санаб ўтилган барча принциплар Ўзбекистон Конституциясида ва қонунларида мустақамлаб қўйилган, бироқ бу принципларни амалга оширишда ўзимизга хос хусусиятлар мавжуд.

Биринчидан, бизнинг шароитимизда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишининг умумэътироф этилган принциплари аста-секин ва босқичма-босқич амалга оширилади. Анъаналарга таяниш, янгиларини қарор топтириш билан биргаликда улардан моҳирона фойдаланиш демократик ўзгаришлар даврида жамиятнинг барқарорлигини таъминлайди.

Иккинчидан, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти — кишиларнинг онг даражаси демократик ўзгаришлар даражасига мос бўлиши керак. Жамият демократик институтларни шакллантириш заруриятини англаб етган бўлиши лозим.

Учинчидан, фуқаролик жамиятининг демократик институтлари халқимизнинг менталитети, урф-одатлари ва маданияти хусусиятларини акс эттириши керак. Янги фуқаролик институтларининг шаклланиши халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, сиёсий муносабатларда ахлоқий, маънавий асосларнинг устуворлиги каби фазилатлари таъсирида шаклланиб келмоқда.

Биз фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Демак, давлатчилигимиз ривожланиб боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифалари халқнинг

Ўзига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топшириб борилади. Биз шунчаки демократик фуқаролик жамиятини эмас, адолатли демократик фуқаролик жамиятининг барпо этишга интиломқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўғри таъкидлаганидек, адолатга интилиш – халқимиз менталитетининг ўзига хос хусусияти... Адолат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоғи даркор.

Фуқаролик жамияти билан биргаликда ижтимоий-ҳуқуқий давлат шаклланимоқда. Фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлатнинг битта умумий жиҳати мавжуд, бу шахснинг юридик ва ижтимоий ҳимояланганлиги.

Адолатли фуқаролик жамиятнинг ва демократик ҳуқуқий давлатнинг амал қилиши учун зарур бўлган шартлардан бири ноҳукумат ташкилотлардир. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ноҳукумат ташкилотлар аҳамиятининг ортиб бориши ва уларнинг давлат органлари билан жипс ҳамкорлик қилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари жамоат бирлашмаларини тузиш имкониятини кафолатлайди. Конституциянинг 34-моддасига биноан: “Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас”.

Жаҳон ҳамжамиятида умумэътироф этилган терминология бўйича, ушбу тузилмалар ноҳукумат ташкилотлар деб аталади. Улар ҳукуматга қарам эмас, уларнинг даромади, агар бўлса, аъзолари ёки раҳбарлари томонидан тақсимланиб олиши мумкин эмас. Ушбу ташкилотлар ҳукумат (Биринчи) ва тадбиркорлар (Иккинчи) секторидан фарқли улароқ Мустақил (Учинчи) секторни ташкил этади. Шу билан бирга, ноҳукумат ташкилотлар миллий қонун ҳужжатларига риоя этишлари шарт ва ижтимоий ҳамда маънавий анъаналарга, жамият маданиятига мос бўлиши лозим.

Ўзбекистонда ноҳукумат ташкилотлар шаклланиб келаётган фуқаролик ҳодисасига айланиб бормоқда. Фуқаролар ёки юридик шахслар ташаббуси

билан тузиладиган бу ўзини ўзи бошқарадиган ихтиёрий тузилмалар хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Биринчидан, улар сиёсий, этник ёки диний чегаралар билан чекланмаган кенг демократик принциплар асосида фаолият кўрсатади.

Иккинчидан, ноҳукумат ташкилотлар сиёсий ёки бошқа турдаги ҳокимиятга интилиш учун восита бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Учинчидан, ноҳукумат ташкилотлар моддий бойлик ортириш мақсадини кўзламайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосида жамиятнинг барқарор демократик тараққиётининг стратегик йўналишларини таъкидлаб ўтар экан, жамоат ва нодавлат тузилмаларни яратиш давр талаби, ҳаётий эҳтиёж бўлиши шартлигини кўп маротаба таъкидлади. Маҳаллий ва марказий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари эса бу жараёнга тўсқинлик қилмасдан, аксинча, ҳар томонлама кўмаклашиши керак, янги демократик ва жамоа тузилмаларининг шаклланишини рағбатлантириши лозим, токи кўпроқ инсонлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида, ҳаётимизнинг моҳиятини белгилаб берадиган кадриятлар шаклланишида иштирок этиш имкониятига эга бўлсин. Шундагина четдан кузатиш ва танқид қилишни ўзига вазифа қилиб олганлар сони камаяди.

Демократик институтларни ривожлантиришнинг асосий маъноси – жамиятимизни барпо этишга имкон қадар кўпроқ одамларни жалб қилиш, уларни ўз тақдири, ўз келажагининг ҳақиқий эгаларига айлантиришдан иборат.

Ўзбекистонда ноҳукумат ташкилотлар таснифи қуйидаги гуруҳларни ўз ичига олади:

Биринчи гуруҳ. Аҳоли муайян тоифаларининг ижтимоий манфаатларини таъминлашга ихтисослаштирилган умуммиллий тузилмалар: “Маҳалла” жамгармаси (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш жамоавий-маҳаллий ҳаракатини мувофиқлаштиради); Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар

қўмитаси (қўмита раҳбарлари жойлардаги давлат бошқаруви тизимига киритилганлиги орқали ҳукумат тузилмалари билан барча даражада ҳамкорлик қилиш механизмларига эга); Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар ассоциацияси (600 мингдан зиёд кишиларни қамраб олган); “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати; “Нуроний” фахрийлар жамғармаси.

Иккинчи гуруҳ. Ихтисослаштирилган миллий жамғармалар.

Учинчи гуруҳ. Ижтимоий муассасалар, энг аввало, “Ижтимоий фикр” нодавлат ижтимоий фикрни урганиш маркази, Журналистларни тайёрлаш халқаро маркази.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ноҳукумат ташкилотлар тоифасига қўйидаги ташкилотларни киритиш мумкин:

1. Ижтимоий, ижодий ва шахсий манфаатлар бўйича жамоат бирлашмалари.
2. Ижтимоий аҳамиятга эга йуналишлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун маблағ йиғадиган жамғармалар.
3. Ижтимоий муассасалар — ижтимоий фикр, ижтимоий жараёнлар, нодавлат нотижорат ижтимоий хизматни таҳлил қилиш инфратузилмаси.

Ноҳукумат ташкилотлар тизимини ривожлантириш аҳоли барча ижтимоий гуруҳларининг турли хил манфаатларини аниқлаш имконини беради. Фуқаролик жамияти қанчалик ривожланган бўлса, унинг ижтимоий тузилиши шунчалик мураккаб бўлади.

Адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида фуқароларнинг сиёсий жараёнда, давлат бошқарувида иштирок этишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда гап, энг аввало, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, турли хил хайрия, ижодий жамғармалар, уюшмалар ҳақида кетмоқда.

Уларнинг фаолияти сунгги пайтгача сиёсий ҳаётни демократлаштиришда катта аҳамият касб этган “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун билангина тартибга солинган. Бироқ вақт ўтиши билан

ушбу қонун давр талабларига жавоб бера олмай қолди. Шу сабабли бу бўшлиқни тўлдириш учун бир қатор янги қонунларни қабул қилиш зарурияти туғилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари, жамғармалари, уюшмаларнинг ҳуқуқларини, уларнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб берадиган қонунлар тизими мавжуд. Бу “Жамоат жамғармалари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Хайрия тўғрисида”ги қонунлар ва ҳоказолардир.

Ахборот-маърифий фаолият, илмий-нашрий ишлар инсон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган миллий институтлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг негизини ташкил этади. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда кўмак кўрсатадиган асосий ҳамкорлар сирасига БМТ (БМТТД), ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЕХХТ, К.Аденауэр ва Ф.Эберт жамғармалари, Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХК), хорижий давлатлар элчихоналари ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Ахборот-маърифий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорлик жамиятнинг турли қатламлари учун биргаликда семинарлар, тренинглар, ўқув курслари ўтказишга асосланади. Кейинги йилларда ҳамкорликнинг анъанавий йўналишларига (хотин-қизлар, болалар) янгилари ҳам қўшилди. Масалан, Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг хоҳиши ва иродаси туфайли давлат тузилмалари билан ноҳуқумат ташкилотлар ўртасида мулоқот ўрнатилди. Қонунчилик, инсон ҳуқуқлари мониторинги ва муқобил маърузалар ёзиш масалалари бўйича бир қатор семинарлар ва тренинглар ўтказилиши бунинг ёрқин тасдиғидир. Шунингдек, турли диний конфессиялар вакиллари билан ҳам мулоқот ўрнатилган, “Ўзбекистон Конституцияси ва конфессиялараро мулоқот” деб номланган доимий семинар бундан далолат беради. Анжуман давомида давлат органларининг вакиллари диний арбобларга уларнинг эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларини тушунтиришади ва шу билан барча саволларга аниқлик киритишади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини ислоҳ қилиш халқаро ҳамкорлик соҳасида энг муҳим йўналишлардан бири бўлди. Республиканинг барча вилоятларида Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура ходимлари, судьялар ва адвокатлар учун “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар”га оид тренинглар ўтказилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида содир этган жиноятлари учун жазо ўтаётган шахслар учун ахборот-маърифий фаолият соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Хусусан, жазо ўташ жойларида ахлоқ тузатиш муассасалари ходимлари, махбус хотин-қизлар ва болалар учун ўқув машғулотлари олиб борилади. Ўзбекистон ҳукумати Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХҚ)га қамоқхоналарга ташриф буюриш имкониятини берган.

БМТ, ЮНИСЕФ, ЕХҲТ, ХҚХҚ каби халқаро ташкилотларнинг бевосита иштироки ва молиявий кўмаги билан мамлакатда инсон ҳуқуқлари масалаларига оид китоблар, дарсликлар, плакатлар, брошюралар чоп этилиши йўлга қўйилган.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмаслигини, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш тизимини яратиш зарурияти давлат ва жамият олдига янада мураккаб ва катта вазифаларни қўяётганини таъкидлаш жоиз. Давлат сиёсатининг янги йўналишлари ва давлат органлари, нодавлат ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги шакллари вужудга келмоқда.

Кейинги пайтларда ҳамкорликнинг давлат органлари ўртасида ҳам, улар билан нодавлат ташкилотлар ўртасида ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш масалалари бўйича шартномалар тузиш каби ўзаро шакллари пайдо бўлди. Шундай шартномалар Омбудсман ва Конституциявий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси, Судьялар ассоциацияси ўртасида, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, ННТнинг

миллий ассоциацияси, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази ва бошқа тузилмалар ўртасида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига оид қонун лойиҳаларини тайёрлашда миллий ва хорижий экспертлар билан фаол ҳамкорлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

II Боб. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг юридик кафолатлари.

2.1. Ўзбекистон Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари.

Инсон пайдо бўлибдики, дунёни, ўзини билишга, атроф-муҳитнинг сир-асрорини очиб боришга ҳаракат қилади. Лекин, доимо инсон учун энг мураккаб муаммо, бу – унинг ўзини, ўз моҳиятини англаш бўлган.

Тўғри, ҳар бир муайян тарихий даврда инсон муаммосига ёндашиш кўлами турлича бўлган бўлиши мумкин, лекин унинг долзарблиги ҳеч қачон ўзгармаган. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. А. Каримов ўринли таъкидлаганларидек, “...Ҳозирги Ўзбекистонда истиқомат қилувчиларнинг кўпчилигини тирикчилик ташвишлари чин воқелик муаммолари билан бирга: “Бу ёруғ оламда, биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаяққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги – XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?” – деган саволлар ўйлантириши табиий”¹⁵.

Инсон муаммосининг долзарблиги нафақат унинг анъанавийлигига, балки, жамият тараққиётининг, ҳозирги, ўзига хос, мураккаб босқичидаги муҳим ўзгаришларга ҳам боғлиқдир. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, тоталитар тузумнинг емирилаётганлиги, собиқ Иттифоқ худудида мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги, эски ижтимоий муносабатлар ўрнига, улардан тубдан фарқ қилувчи, янги муносабатларнинг қарор топаётганлиги одамларнинг мураккаб шароитларга мослашишини талаб қилмоқда;

иккинчидан, фан-техника тараққиётининг ҳозирги даражаси, қўл меҳнатини камайтириш билан бирга, инсонларда ақлий ва асабий зўриқишни кучайтирмоқда. Бу эса автоматлашув билан ижодиёт ўртасидаги зиддиятни бартараф этиш, инсонга технократик ёндашишнинг салбий оқибатлари олдини олишни талаб қилади. Айниқса, фан ва техниканинг информатика, генетика ва ген инженерияси каби янги тармоқлари қуйидаги мураккаб

¹⁵ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, 6-том, Тошкент, 1998, 31-бет.

фалсафий, ахлоқий муаммоларни келтириб чиқарди: инсон интеллекти ва “фикрловчи машиналар” нинг келажаги қандай? Информатика инсон ақлий салоҳиятига ва инсониятга қандай таъсир кўрсатади? Инсонга нисбатан ген инженериясини қўллашнинг қандай ахлоқий мезонлари мавжуд?;

учинчидан, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар янги, ўта мураккаб босқичга кўтарилди. Экологик муаммо инсон ҳаётига бевосита таҳдид солувчи хавф бўлиб қолди. Атроф-муҳитни, табиатни сақлаш, инсон мавжудлигининг зарурий шартига айланди;

тўртинчидан, ижтимоий муҳитнинг инсон ички дунёсига таъсирида ҳам, ечимини кечиктириб бўлмайдиган, муаммолар тўпланиб қолди. Ёшларнинг салбий таъсирларга берилувчанлиги, улар эътиқоди ва маънавиятини шакллантиришдаги мафкуравий бўшлиқни бартараф этиш масалалари инсонга, ҳар хил “изм”лардан холи, объектив ёндашишни талаб қилмоқда;

бешинчидан, ер юзида вазият ва кучлар нисбати шиддат билан ўзгариб бораётган бир вақтда, инсон ҳаётига, қолаверса, бутун цивилизацияга таҳдид солувчи термоядро уруши хавфи кучайиб бормоқда, кескинлашиб бораётган минтақавий низолар, кўпинча, терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва курол-яроғ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суръатда поймол этиш каби таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, нафақат термоядро уруши хавфини бартараф этиш, балки, халқаро муносабатларда инсонпарварлик руҳи ўрнатилишини таъминлаш ва цивилизациянинг, жамики, ютуқларини ҳар бир инсон камолоти учун хизмат қилдира олишни талаб қилмоқда¹⁶.

Хуллас, XXI асрга келиб, инсон шундай мураккаб вазиятда қолган бир шароитда, у ўзи яшаётган заминнинг, кечираётган тинч ва барқарор ҳаётининг моҳиятини яна бир маротаба англаб олиши кераклиги, объектив зарурат сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса, инсон муаммосини кенг қўламда ва чуқур таҳлил қилиш борасида, фан ва фалсафа олдида бир қатор вазифаларни қўймоқда. Хўш, ҳозирги кунда, фаннинг, инсон объектини

¹⁶ www.auditorium.ru

тадқиқ қилиш борасидаги имкониятлари қандай? Бугунги кунда, инсон муаммосини ўрганиш борасида, эмпирик ва назарий даражаларга эга бўлган, фалсафий, социологик ва махсус илмий билимлар тизими шакллланган. Ижтимоий фанлар инсонни жамиятнинг ажралмас таркибий қисми, ижтимоий хислатларнинг универсал соҳиби, асосий ишлаб чиқарувчи куч, тарихий жараён субъекти, шахс, тарбия предмети сифатида ўрганади.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон кадр-қимматини юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилган. Шу боисдан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ҳуқуқ нормалари даражасига мос бўлишини таъминловчи қонуний асослар ва ташкилий тизимни шакллантириш борасида дадил қадамлар қўйилмоқда.

Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим аҳамиятга эга.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Х бобининг 43-46-моддаларида мустаҳкамланган нормаларни кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ ва эркинликлар барча учун тенг кафолатланади.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини биринчи навбатда Конституция асосида мустаҳкамлаб қўйилиши, албатта зурурдир. Чунки бу ўз навбатида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни амалга ишончли тарзда ва самарали татбиқ қилинишини таъминлайди¹⁷.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқий воситалар (кафолатлар) муҳим роль ўйнайди, чунки бошқа барча кафолатлар ҳуқуқий кафолатларда ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий кафолатлар қуйидаги талабларни ўз ичига олади: а) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиши мумкин бўлган ҳаракатларни тақиқлаш ва чегаралашнинг юридик нормаларини мустаҳкамлаш; б) фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўсиқсиз амалга оширишларида давлат идоралари, мансабдор шахслар ва

¹⁷ Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолати(муаллифлар жамоаси). Ўқув қўлланма. Тошкент.: ТДЮИ, 2006, 144-бет.

хуқуқнинг бошқа субъектлари мажбуриятлари бажарилиши; в) кафолатларни татбиқ этишни мустаҳкамлашни таъминловчи махсус нормалар (масалан, шикоят қилиш ҳуқуқи, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи); г) ҳуқуқларни бузганлик учун юридик жавобгарлик (мулкӣ, интизомӣ, маъмурий, жиноӣ); д) фуқаролар ҳуқуқларини амалга оширишни мустаҳкамлашга қаратилган ва ҳуқуқӣ аҳамиятга эга бўлган тегишли давлат ва жамоат идоралари, мансабдор шахсларнинг фаолияти.

Қонунчиликнинг бажарилиши устидан назорат қилиш фаолияти (прокуратура), ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш (судлар), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотлар фаолиятлари ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминловчи ҳуқуқӣ кафолатлар тизимининг таркибий қисмидир. Модомики, асосӣ мақсадимиз ҳуқуқӣ демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш экан, бундан кейин ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимига кирувчи барча идоралар фаолиятини янада такомиллаштириш ва бу фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқӣ базани мукамал тарзда ишлаб чиқиш лозим.

Умуман олганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари икки турга бўлинади: давлатнинг ўз ички кафолатлари ва халқаро ҳуқуқӣ кафолатлар.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари малакали юридик хизмат ва малакали ҳимоячи (адвокат) хизматидан тўлиқ равишда конституциявий, жиноӣ, фуқаровий ва маъмурий ишларда фойдаланиш имкониятида намоён бўлади. Бу тушунча Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида аниқ ифодаланган. Унга кўра: “Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади”.

Маълумки, халқаро ҳуқуқий кафолатлар халқаро ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинади. Ушбу кафолатлар тизими БМТнинг Низомида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва бошқа халқаро ҳужжатлар ва шартномаларда ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари талаблари асосида қонунчиликнинг барча соҳаларида жадал фаолият олиб борилаётир. Ўзбекистон Конституциясининг иккинчи бўлими халқаро ҳуқуқ нормаларининг асосий қисмини ташкил этувчи инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий алоқадорлиги ҳамда масъуллиги принципларига асосланувчи миллий давлатчилик нуқтаи назардан тамомила янги концепцияга таянгандир. “Инсон ҳуқуқлари” категорияси илк бор конституциявий даражада мустақамланиб, Асосий Қонунимизнинг муқаддимасидаёқ ўз таъкид ва тасдиғини топди. Шахс ҳуқуқий мақомига оид янги концепциянинг энг муҳим хусусияти шундаки, у конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби сифатида ҳар бир инсонни тан олади. Агар аввалги собиқ Совет тузуми даврида давлат ва жамоанинг манфаати фуқаро манфаатларидан устун қўйилган бўлса, энди қадриятлар тизими инсон фойдасига ўзгарди. Мамлакат Президенти И.А.Каримов Асосий Қонунимиз қабул қилиниши муносабати билан парламент XI сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: “Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда... жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда “фуқаро — жамият – давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик”, дейилган. Бундан кўриниб турибдики, ижтимоий-сиёсий ҳамда давлат-ҳуқуқий ҳаётда инсон (фуқаро) ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари

устувор мавқега эга бўлади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади (Конституциянинг 14-моддаси). Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қовдаларини тан олиш, мамлакат фуқароларининг муносиб ҳаёт тарзини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, шунингдек, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлик ҳамда бағри кенглик ва байналмилалликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди. Конституция инсон (фуқаро) билан давлатнинг ўзаро муносабатлари кўламини, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига давлат аралашувининг чегараси ва характерини белгилаб берди. Энг муҳими – Конституция инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига олий юридик мақом бахш этди. Давлат ҳокимияти ўз фаолиятини шундай ташкил этишни режалаштирганки, унга кўра – инсон давлат механизмининг оддийгина унсиз “муруввати” эмас, сиёсий-ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси, ижтимоий тараққиётнинг бош мақсадини амалга оширувчи ҳамда жамиятнинг эзгу тилаги ва олий қадриятидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланган иккинчи бўлими “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948 йил 10 декабр)нинг барча тамойил ҳамда қоидаларига тўла-тўқис мувофиқдир. Агар Умумжаҳон декларациясининг ички мазмуни, унда эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлар кўламига эътибор берадиган бўлсак, уларни тўрт йўналишга ажратиш мумкин: а) табиий инсоний ҳамда умумий ҳуқуқ ва эркинликлар; б) умумфуқаровий шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар; в) сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар; г) иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар. Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақил давлат сифатида дунёдаги демократик давлатлар каби ўз фуқаролари учун “Декларация”да

санаб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш ҳамда амалга оширишни ўз зиммасига олди. Мазкур сиёсий ирода, қатъий азм-ихтиёр мамлакатимиз Конституциясида ўз аксини топди. Конституцияда инсон (фуқаро) ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларига умумий қоидалар (18-22-моддалар); шахсий (шу жумладан, инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари) ҳуқуқ ва эркинликлар (24-31-моддалар); фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари (32-35-моддалар); иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (36-42-моддалар); инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари (43-46-моддалар) мустаҳкамланган. Умумий қоидаларни ҳисобга олмаганда Асосий Қонунимизнинг 23 та моддасида (яъни, 24-46-моддалар) инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилган. Конституциянинг олтита моддасида (47-52-моддалар) фуқароларнинг бурч ҳамда мажбуриятлари қайд этилади. Демак, фуқаровий ҳуқуқ ва эркинликлар кўлами инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципи асосида Конституциямизда акс эттирилганлиги билан янада мустаҳкамланади. Аслида Конституция инсон учун яратилган ва у инсон манфаатларига хизмат қилмоқда! Фуқаролар ўз ижтимоий-сиёсий фаолликларини республика қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридан бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга (Асосий Қонуннинг 33-моддаси). Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланганидек, “ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга” (36-модда). Фуқароларнинг давлат идорларига, мансабдор шахсларга ариза ва таклифлар билан мурожаат қилиши - уларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг бир шаклидир.

Истиқлол шарофати билан юртимизда умуминсоний қадриятларни тиклаш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда инсон ҳақ-ҳуқуқларининг таъминланишига, жамият ва давлат бирлигида инсоннинг ўрнини юксак

баҳолашга алоҳида аҳамият қаратилди. Асосий Қонунимизнинг 18-моддасида белгиланганидек, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”.

Демократик давлатда жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати доимий ҳаракатдаги механизмга ўхшаши лозим. Конституциянинг 19-моддасида “ҳеч ким суд қарорисиз фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳақли эмас”лиги белгилаб қўйилганки, бу қоида ҳуқуқбузар ким бўлишидан қатъи назар, жавобгарликка тортиш мумкинлигини билдиради. Кафолат тизимида иқтисодий омилга кенг ўрин берилган. Чунки иқтисодий ҳаёт қанчалик фаровон бўлса, ҳуқуқнинг амалдаги кафолат даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Шубҳасиз, инсон ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш жараёнида баъзан турли даражадаги давлат бошқаруви органлари билан тўқнашади. Бу ҳақда Юртбошимиз шундай дейди: “Шўро давридаги Ўзбекистон ССР Конституциясида инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонунлаштириб қўйилган эди.

Бугунги Асосий қонунимизда эса давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

...Агарки мана шу устувор тамойил ҳаётимизда, авваламбор, давлат ходимлари, мансаб курсисида ўтирганларнинг ҳаёлида, онгида, амалий кундалик фаолиятида ўз аксини топганида эди, яъни ўзини мен ҳукмдор эмасман, балки менга ишонч билдириб танлаган одамларнинг хизматчисиман, деб ҳис қилганида эди, бугунги ҳаётимизда қанча бемаза, номақбул ишларга чек қўйилган бўлур эди”. Албатта, жамиятимизда шунга

Ўхшаш ҳолатларга барҳам беришга қаратилган жиддий чораларни қўллаш давлат хизмати ва давлат хизматчилари тўғрисида қонун қабул қилишнинг долзарблигини кўрсатади.

Инсонларга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар кўлами ниҳоятда кенг. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар туркумига яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кабилар ҳам киради. Шу билан бирга, мамлакатимизда вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши конституциявий кафолатлар тизимига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори бўлмиш Конституция қабул қилинганига бу йил йигирма уч йил тўлади. Янги демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ҳамда фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимиз Бош Қомусимизда кафолатланган қонунларимизнинг амалдаги намойишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва давлатнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий масъуллиги принципларига асосланувчи тамомила янги концепцияга таянган бўлиб, унда илк бор инсон ҳуқуқлари категорияси конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқларининг янги концепцияси конституциявий қонунчилигимизда ўз юридик тасдиғини топган бўлиб, улар Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий ҳуқуқий мақоми сифатида муайян принципларга таянади. Ушбу принциплар универсал хусусиятга эга бўлиб, улар қаторига қуйидагилар киради.

Биринчидан, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари тенглик ҳамда тенг ҳуқуқлилиқ асосида амалга оширилади. Бу принцип Конституцияда уч жиҳатдан таърифланган: барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги; эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги.

Иккинчидан, Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги принципи. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасига асосан Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар дейилган.

Шунингдек, Конституцияда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан муҳофаза қилиниши алоҳида эътироф этилган. 13-модданинг 2-қисмида демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши, 19-моддада фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги қонуний мустақкамланган. Шунингдек, Конституциямизнинг иккинчи бўлими бевосита инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқларига бағишланганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Учинчидан, муҳим принциплардан яна бири, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига йўл қўйилмаслиги. Мазкур принцип инсонга туғилишидан табиатан тегишли бўлган унинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан тан олинисидан келиб чиқади. “Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди” (43-модда). Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат жамият ҳамда давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан, аҳолининг сиҳат-саломатлиги, халқнинг ахлоқи ва маънавияти, ижтимоий тартибот манфаатлари нуқтаи назаридангина қонунда белгиланган даражада чекланиши мумкин. Аммо, фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи, шахсий кадр-қимматини муҳофаза этиш ҳуқуқи, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, виждон эркинлиги ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи кабилар чекланиши мумкин эмас.

Тўртинчидан, фуқароларга бериладиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги принципи. Шахс нафақат муайян ҳуқуқ ва эркинликларга, балки мажбуриятларга ҳам эга ҳисобланади. Турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш фуқаро фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб

қолмасдан, жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятларни ҳам ўтайди.

Конституциянинг 20-моддасига кўра, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституциянинг 13-моддасида кўрсатиб ўтилгандай “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”. Бош Қомусимизнинг 19-моддасида эса, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги таъкидланган.

Мамлакатимизда “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши, 2008 йил 1 январдан бошлаб эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга берилганлиги Конституцияда назарда тутилган нормаларга тўлиқ мос келади. Амалдаги қонунларга кўра, бу жараён томонларнинг ўзаро тортишуви таъминланган ҳолда амалга оширилади. Яъни, судда гумон қилинаётган шахсга ўзини ҳимоя қилишга барча шароитлар яратилди. Конституциямизнинг 80-моддаси 10-бандига ҳамда 93-моддаси 23-бандига асосан, анъанавий тарзда қабул қилинаётган амнистия актлари ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган демократик ислохотлар амалга оширилаётганлигининг ёрқин далилидир.

Конституциямизнинг 24-моддасида эса “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”, дейилган. Ҳақиқатдан ҳам, ҳаёт инсонга Аллоҳ таоло томонидан бахшида этилган энг буюк неъматдир. Ундан маҳрум этиш эса инсонпарварликка зиддир. Жиноий жазони либераллаштириш борасидаги

муҳим ютуқларимиздан бири, мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо сифатида ўлим жазоси бекор қилинди. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи умумэътироф этилган халқаро тамойиллар ва меъёрлардан келиб чиққан Бош Қомусимизнинг 24-, 25-моддалари талабларига тўлиқ мос келади.

Маълумки, Конституциявий ҳуқуқ мақоми тизимида сўз ва эътиқод эркинлиги муҳим ўрин тутди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини либераллаштиришга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Лекин, ҳар қандай демократик жамиятда демократиянинг бу шартлари амалдаги қонунларга асосан, ўз чегара меъёр ва мезонларига эгадир.

Конституциянинг муҳим жиҳатларидан яна бири, фуқароларга берилган ижтимоий ҳуқуқларнинг қонуний мустаҳкамланганлигидир. Асосий Қонунимизнинг 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”, деб белгилаб қўйилган. Хусусан, парламентимиз томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги ва бошқа шу каби қонунлар фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари бўлиб хизмат қилмоқда.

Бош Қомусимизда қонуний мустаҳкамлаб қўйилган яна бир муҳим масала фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини самарали муҳофаза этиш масаласидир. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий заминини яратиш манфаатларидан келиб чиқиб, Конституция хусусий мулк дахлсизлиги ва

унинг давлат томонидан ҳимояланишини (53-модда) ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини (36-модда) мустаҳкамлади.

Асосий Қонунимизда билим олиш, фан-техника тараққиёти масалаларига алоҳида эътибор берилиб: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”, дейилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бош Қомусимизнинг муқаддимасидан охириги моддасигача мустақиллик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва Ватан равнақи ғоялари мустаҳкам ўрин олган.

Шуни қайд этиш лозимки, фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги муҳим ўрин тутди. Зеро, мазкур конституциявий принцип ҳар бир фуқарога ўз қарашларини эркин билдириш имконини беради. Бу ҳар бир инсон ўзи лозим топган ғояни, қарашни илгари суришига, уларни ҳимоя қилишига қонуний имкониятлар яратилишини тақозо этади. Бироқ, мазкур соҳада фуқароларга нисбатан конституциявий чеклашлар ҳам мавжуд. Чунки фуқаронинг фаоллиги қанчалик муҳим аҳамият касб этмасин, унинг ҳаракати давлат ва жамият манфаатларини ҳам таъминлаши лозим.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг қайси жабҳасини олмайлик, Конституциямиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз Конституциясининг асосий мақсадидир.

Мухтасар айтганда, Конституциямиз мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари интилишининг ҳуқуқий пойдевори ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда самарали таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

2.2. Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш.

Эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган мустақил давлатимиз инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида жаҳон ҳамжамиятидаги мавжуд сиёсий жараёнлар билан ҳамоҳанг қадам ташламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, инсон ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаган. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари ва умуминсоний қадриятлар миллий қонунчилигимизга сингдирилиб, устувор мақомга эга бўлди. Адолатли фуқаролик жамиятнинг ҳуқуқий асослари жадаллик билан шакллантирилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, бунда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини реал таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган¹⁸.

Мамлакатимизда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва улар бузилган ҳолларда тиклашнинг ўзига хос тизими мавжуд. Мазкур тизимнинг фаолияти фуқароларнинг қонунларга қатъий амал қилишлари, уларнинг жамият ва давлат олдидаги ижтимоий ва юридик масъулиятини англаб етишлари, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, чинакам демократизм, қонунийлик, инсон, шахс ҳуқуқларини Конституция ва қонун билан қатъий ва ишончли муҳофазаланганлиги, қонун томонидан тақиқланмаган барча ҳаракатларнинг содир этилишига рухсат берилганлиги ва айбсизлик презумпцияси тамойилларига таянади. Бу тизимни юқорида кўрсатилган институтлар, адвокатура ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус миллий институтлар ташкил этади.

¹⁸ Ўз.Р.Президенти И.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа.-Т.2010.53-бет.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали татбиқ қилинишида татбиқ қилувчи органларнинг фаолияти жуда катта аҳамият касб этади. Бугунги кунга келиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда бу борада анча иш қилинди ва инсон ҳуқуқларини кафолатловчи ўзига хос ва самарали механизм яратилди. Мазкур механизмнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, бу инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминловчи ва кафолатловчи давлат органлари тизимининг ташкил этилиши;

Иккинчидан, бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ва кафолатловчи ихтисослашган нодавлат ташкилотларининг вужудга келишига кўмаклашишдир.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ва эркинликларини кафолатловчи давлат органлари тизимини, қуйидаги институтлар ташкил этади: Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари (асосан суд, прокуратура, ички ишлар идоралари) ва бошқалар.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш ва қонун орқали кафолатлашда парламентимиз – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўрни ва роли бениҳоят каттадир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Республикада амалга оширилаётган Конституциявий ислоҳотлар йўналишини, асосан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимини демократлаштириш, вакиллик органининг ижроия органларига нисбатан реал мустақиллигини таъминлаш, шахс ва фуқароларни ҳимоялашда ривожланган давлатлар андозаларига яқинлашиш мақсадида юзага келди. Олий Мажлис қонун чиқарувчи ҳокимиятни мустақил амалга ошириши ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал қилиш учун кенг ваколатларга эга.

Суд ҳокимияти бу борада муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси суд тизими Конституцияда белгиланган нормаларга асосан ташкил этилган (XII боб) “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

тўғрисида”ги¹⁹ (1995йил 30 август) ва “Судлар тўғрисида”ги²⁰ (2000 йил 14 декабр) қонунларга биноан фаолиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигини эълон қилинган дастлабки давлариданоқ дунёвий демократик ҳуқуқий давлатга хос бўлган анъаналар руҳида тараққий этиш сиёсатини эълон қилинди. Мамлакатимиз Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган ҳуқуқий стандартлари асосида битилиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий кафили бўлиб хизмат қилмоқда. Истиқлол йиллари мобайнида Ўзбекистонда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини руёбга чиқариш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб, айниқса суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоячисига айлантиришда дастлабки замин яратилди. Судларнинг ихтисослашуви суд жараёнининг сифати янада юксалишига, прокуратуранинг судлов жараёнига аралашувиغا барҳам берилиши эса суднинг прокуратура тазйиқидан халос бўлишга олиб келмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш борасида амалга ошириган сержабҳали фаолият ҳам илк самарасини бермоқда. Бу ҳолатни аҳоли томонидан фуқаролик судларига мурожаат ўсишида кузатиш мумкин. Бугунги кунда ўзбек халқи, юртбошимиз таъкидлаганларидек, тил-

¹⁹ “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 178-модда; 2003, № 1, 8-модда

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001, № 1-2, 10-модда.

забони йўқ кўпчилик эмас, балки ўз ҳақ-ҳуқуқини биладиган ва уни ажрата оладиган мағрур халқдир.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутди. Бу Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган. Аксарият фуқаролар ўз ҳуқуқларини, қонунларни, суд жараёни тартибларини етарли даражада билмасликлари туфайли судлар уларнинг кўз ўнгида жазоловчи, озодликдан маҳрум этувчи идора сифатида гавдаланиб келди. Шунинг учун кам Президентимиз И.А. Каримов “...судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча уларнинг ҳақ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиш керак”, деб эътироф этган эди.

Конституцияга асосан ҳар бир шахс ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишда давлат органлари, мансабдор шахслар, ҳам жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши махсус ҳуқуқий меъёрларда ўз ифодасини топган. Давлатнинг бирон бир идораси низоли ишларни, суд каби одилона механизм орқали ҳал эта олмаслигига қарамасдан, аксарият фуқаролар шикоят ва аризалар билан судларга мурожаат этмасдан, бош идораларга мурожаат қилишга одатланиб қолганлиги амалиётдан маълум.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлардан бири — 1995 йилнинг 30 августида Олий Мажлиснинг учинчи сессиясида қабул қилинган Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонундир. Бу қонунга кўра, эндиликда фуқароларнинг поймол қилинган ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган суд идораларининг ваколати бир мунча кенгайтирилди. Масалан, агар фуқаро муқаддам фақат мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати устидангина судга шикоят қилиш ҳуқуқукига эга бўлса, ҳозирда коллегиял органларнинг хатти-ҳаракати устидан ҳам судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқукига эгадирлар.

Қонуннинг афзалликларидан яна бири мансабдор шахсларнинг ҳамда давлат бошқарув идораларининг шахснинг ҳуқуқига тегишли фаолиятни амалга оширишда жавобгарлигини кучайтиришга қаратилганлигидир.

Қонунга асосан фуқаро фақат мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят билан мурожаат қилиб қолмасдан, шу билан бирга ҳокимликлар, бошқармалари, улар томонидан ташкил қилинадиган комиссиялар устидан, вазирликлар, идоралар ва улар бўлинмалари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан ҳам шикоят қилиш мумкинлиги назарда тутилган. Бу қонунга кўра фуқаролар ўз ҳаётий масалаларидан келиб чиқадиган жуда кўп низолар суд ҳимоясига тегишли бўлиб қолди.

Ҳар бир соҳа бўйича инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид масалалар Асосий қонунимизда ўз ифодасини топган. Жумладан, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шунга асосан тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларига (касалхонага) даволаниш учун жойлаштиришни асоссиз рад этиш тўғрисидаги мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан фуқаро шикоят қилишга ҳақлидир, ёки фуқароларнинг ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (нафақа тайинлаш турларига риоя қилмаслик, унинг миқдорини белгилаш) каби масалалар ҳам судда ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар қаторидан ўрин олди.

Одил судловни амалга оширишда суд идораларининг фаолияти фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, бирорта ҳам шахс асоссиз жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслигига, ҳар бир жиноят учун жазо тайинлашнинг одилона ва қонунийлигига интилиш каби қоидаларга амал қилишга қаратилмоғи лозим.

Конституцияга кўра, давлат ўз фаолиятини инсон ва халқнинг фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириш, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши, фуқароларнинг

Конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги муҳим ҳуқуқий меъёрлар берилгани инсонга нисбатан муносабатнинг илғари сурилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Конституциясида суд ҳокимиятига махсус боб ажратилиб, бунда одил судловнинг асосий қоидалари, суд тузилиши ва унинг фаолиятига оид демократик тамойиллар ёритилган. Конституцияда суд идоралари давлатнинг муҳим механизми бўлганлиги туфайли ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини ва ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширишлари қайд қилинган. “Судлар тўғрисида”ги қонунда одил судловни фақат суд амалга ошириши, судьяларнинг қонун бўйича иш қўриши, унинг фаолиятига ҳеч қандай тарзда аралашаишга йўл қўйиб бўлмаслиги кўрсатиб ўтилган. Эндиликда суд ҳокимияти мустақил ҳокимият бўлиб, унинг олий вазифаси қонунларга оғишмай риоя қилишни таъминлаш ва бу қонунларни фуқаролар томонидан бажарилишига эътибор беришдир.

Суднинг фуқаролик, жиноий ишлар юзасидан чиқарган қарори ва бирорта идора томонидан бекор қилиш мумкин эмас, уни фақат юқори судларгина кассация ва назорат тартибида бекор қилиш ва ўзгартиришлари ва ўзгартирмасдан қолдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд бажарадиган вазифаларни бошқа идоралар ўз зиммаларига оладиган бўлса, бундай ҳолда одил судлов тўғрисида Конституцияда белгиланган нормалар бузилиши рўй беради. Шунинг учун, судлар ва бошқа идоралар ишларга тааллуқлилиқ қоидасига риоя қилган ҳолда иш тутишлари лозим.

Бу қоидага кўра Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар суд олдида тенгдирлар. Мустақил Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқлари тенглиги, уларнинг ҳуқуқлари бузилганда ҳуқуқ бузувчилар давлат, ҳам жамият ва суд олдида тенг даражада жавобгарликка тортилиши билан ҳам белгиланади. Қонунларни

бузувчи шахслар хизмат вазифаларидан ва кўрсатган хизматларидан қатъий назар жавобгарликка тортиладилар.

Конституцияга ва қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларга таржимон орқали иш ҳужжатлари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш таъминланади.

Судга тақдим этилган ҳужжатларни ишда иштирок этаётган шахсларнинг она тилларига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб беришлари лозим. Бу ҳуқуқий меъёр суд ишлари юритиладиган тилни билмайдиган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тегишли даражада ҳимоя этилишини кафолатлайди. Суд ишларининг давлат тилида юритилиши тўғрисидаги қоидага суд ишларини юритилишда иштирок этувчиларга ва суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахсларга жараённинг тушунарли бўлиши ва шу билан бирга судда иш кўришнинг тарбиявий характерда бўлишини таъминлайди. Бу қоида жараённинг барча босқичларига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг Қўшма мажлисида сўзлаган ўзига ҳос тарихий аҳамиятга эга бўлган нутқида суд-ҳуқуқ ислохотларининг сўнгги босқичида амалга оширилиши лозим бўлган, миллий ҳуқуқий тизимимиз учун прогрессив янгилик бўлган қадамлар, жумладан жазо тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, дастлабки тергов давомида амалга ошириладиган айрим тергов ҳаракатлари устидан суд назоратини ўрнатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларининг масъулиятини янада ошириш каби чоралар тўғрисида фикр билдирдилар. Мазкур қадамларга татбиқан Ўзбекистон Республикаси Президентининг икки фармони, жумладан, “Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида” ҳамда “Санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида” Фармонлари қабул қилинди. Маълумки, мазкур икки фармонда уларда

назарда тутиладиган чораларнинг жорий қилиш муддати 2008 йил 1 январ деб белгиланиб, ушбу вақтга қадар кенг куламли ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилиши белгиланди. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари сержабҳали фаолият бўлиб, уни шунчаки суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ деб ҳисобламаслик ва шу фикрни аҳолининг барча қатламларига етказиш лозим. Айнан юқорида тилга олинган икки фармон ижросини таъминловчи механизмларни яратиш, халқаро мезонларнинг ҳуқуқий тизимимизга мос келадиган хислатларини имплементация қилиш, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари соҳасида олиб бориладиган энг долзарб одимлардир, чунки мана шу механизмларнинг пухта ва аниқ ишлаб чиқилиши инсон ҳуқуқларидек муқаддас тушунчанинг қарор топишига ва инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларидан бўлмиш шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг қарор топишига олиб келади.

Умуман олганда фикримизча, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган фаолиятни қуйидаги соҳалар бўйича бўлиш мақсадга мувофиқ:

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари соҳасида биринчи блокдаги вазифалар ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар билан боғлиқ бўлиб, мазкур блок доирасида судларга санкция бериш ҳуқуқини ўтказиш энг қулай, замон ва тараққиёт талабларига жавоб берадиган холис механизм эканлигини эътироф этган ҳолда, адвокатура мақомини юксалтиришга, жумладан қамоққа олинган шахслар билан учрашувларни ташкил этишнинг процессуал тартибини такомиллаштиришга ҳисса қўшиш билан боғлиқ. Бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари олиб бораётган фаолият қонун доирасида бўлиши учун “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси устида жиддий иш олиб бориш лозим. Шунингдек, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёни янада самарали бўлиши учун майда ва ижтимоий хавфлилиги катта бўлмаган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учун “маҳалла” судларини ташкил этиш,

унга ҳозирда дам олаётган малакали кадрларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим чора аҳолини бепул юридик ёрдам билан таъминлашдир. Бугунги кунда аҳоли аксарият қисми Конституцияда белгиланган самарали юридик хизматдан фойдаланиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Айнан шу хизмат адвокатлар томонидан амалга оширилади. Сифатли юридик ёрдам учун пул тўлай олиш қобилиятига эга бўлмаган аҳоли қатламларини инобатга олсак, айнан шу борада олиб бориладиган ишларни жонлантиришимиз айти муддао бўлар эди. Зеро, адвокат хизматлари учун пул тўлаш қобилияти мавжуд эмаслиги, шахсни самарали ҳимоядан маҳрум қилмаслиги лозим.

Эътиборга сазовор навбатдаги муҳим масала суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг моддий молиявий таъминотидир. Ушбу муаммонинг ҳал этилиши суд-ҳуқуқ ислоҳотларига жиддий тўртки бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг халқ хўжалиги тармоқларига, жумладан фермерлар, тадбиркорларга тазйиқи, коррупция, ошна-оғайнигарчиликка чек қўйишда жиддий кадам бўлур эди. Фикримизча, эътиборга олиш керакки, процессуал кафолатлар ҳар доим маблағ билан боғлиқ бўлади. Процессуал фаолиятни маблағ билан таъминлаш бу фақатгина давлат иродаси, қонун чиқарувчининг саъйи ҳаракати билан эмас, балки реал давлат бюджети билан боғлиқдир, бу эса жиноят процессуал фаолиятдан ташқари бўлган ҳолат.

Хулоса

Мавзуни ўрганиш давомида қуйидаги хулосаларга келдик:

Ҳуқуқий кафолатлар – фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини қонунлар асосида мустаҳкамлаш ва таъминлашдир. Ҳуқуқий кафолатларни реал амалга ошириши фақат демократик режим шароитидагина кузатилади.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин. Кафолатлар қандай тур, шакл ёки кўринишда бўлмасин бир мақсадга йўналтирилган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларининг асосий вазифаси шундан иборатки, биринчидан, инсон ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш, уларнинг бузилишига йўл қўйилган бўлса, уларни бартараф этиш; иккинчидан, ушбу ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш сиёсатини олиб бориш.

Инсон ҳуқуқларининг ва эркинликларининг кафолати – бу умумхалқ муҳокамасидан ўтказилган, давлат томонидан ўрнатилган ёки тасдиқланган, шахслар ва фуқароларга белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалда таъминлашга ёрдам берадиган ҳуқуқий воситалар, юридик усуллар ва шарт-шароитлар мажмуидир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда юридик кафолатлар алоҳида ўрин тутади, чунки бошқа барча кафолатлар юридик жиҳатдан тартибга солинишни тақозо этади. Яъни, юридик кафолатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қонунлар асосида ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишидир.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ва механизмларини бирон-бир давлатга ёки халқаро ташкилотга яхши кўриниш учун ривожлантирмади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мустақил Ўзбекистоннинг асосий вазифасига айланган эди.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари уларни рўёбга чиқаришга қодир кафолатларсиз қуруқ гап бўлиб қолади. Шу боис бизнинг Конституциямизда уларга катта эътибор берилган.

Амалдаги Конституцияда кафолат-нормалар шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари билан бир бўлимга киритилган, уларда ифодаланган қоидалар эса Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаролар ҳуқуқий мақомининг асосларини тавсифлайди. Бизнинг назаримизда, бу ўринлидир, чунки кафолатлар инсон ва фуқаро ҳуқуқий мақоми асосларининг таркибий қисми сифатида қаралиши лозим. Кафолатлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ва ташкилий-техникавий бўлиши мумкин. Бу ҳолларнинг барчасида у ёки бу ижтимоий ва ҳуқуқий институт нормал, яъни қонунда белгиланган тарзда фаолият кўрсатишини таъминлаши лозим бўлган муайян шарт-шароитлар ва воситалар тўғрисида сўз юритилиши мумкин.

Изланишларимиз натижасида қуйидаги таклифларни киритамиз:

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги конституциявий кафолатлар тизимини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ислохотлар жамиятнинг шу мақсад йўлидаги вазифаларига тўлиқ мос келмоқда, инсон ҳуқуқларини кафолатловчи миллий механизм яратилмоқда. Инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминловчи ва кафолатловчи давлат органлари тизими ташкил этилиб, ихтисослашган нодавлат ташкилотларининг пайдо бўлишига кўмаклашмоқда. Ҳозирги пайтда инсоннинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш механизминини янада такомиллаштириш мақсадида инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг кафолатлари тўғрисида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Инсон ҳуқуқлари ғояси миллий парламентимиз фаолиятида доимий ўрин эгаллаши даркор. Ҳар қандай қонун ишлаб чиқиладиган ва муҳокама этиладиган пайтда инсоннинг асосий ҳуқуқларига қанчалик мос келишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ана шу принципларга оғишмай риоя этилган тақдирдагина чинакам фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш мумкин.

Демократик ҳуқуқий давлат муҳим белгиси намоён бўлувчи ва инсон ҳуқуқларининг ишончли кафили бўлган жамоат назоратини кучайтириш

билан боғлиқ. Мазкур соҳада амалга оширилиши лозим бўлган чоралар фикримча, жамоат палатаси тўғрисидаги қонун ҳужжати қабул қилиниши, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, улар билан ўзаро давра суҳбатлар ўтказилиши, мустақил равишда ёки “Ижтимоий фикр” маркази билан ўзаро ҳамкорликда махсус тадқиқотларни амалга ошириш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини янада кучайтириш ва мустақил журналист текширувлар ўтказилишини таъминлашда самарали иштирок этиш билан боғлиқ.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида турли хил процессуал бузилишлар рўй бермоқда. Жумладан ушлаб туриш нормаларининг бузилиши, қонундаги 72 соат ўрнига кўпроқ ушлаб турилиши, ушлаб туриш ҳақида баённома ўз вақтида тузилмаслиги, санкция олишда, аксарият гумонланувчи шахслар иштирок этмаслиги, гумонланувчи, айбланувчиги, маънавий, руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказилиши; хатто қийноқларнинг қўлланилиши, тергов ҳужжатларининг, айниқса солиқ инспекцияси ва аудитор текирувларининг сохталаштириши, жиноят содир этганликда иқрорлик кўргазмаларини зўрлик ишлатиш йўли билан олиш. Далилларга баҳо бериш чоғида суд томонидан масъулият билан ёндашмаслик ҳоллари эса, юқорида тилга олинган қонунбузарликларни легаллаштириб қўйиши мумкин. Шу муносабат билан дастлабки тергов ва суриштирув, суд жараёнида процессуал нормаларига аниқ риоя қилиниши устидан жамоат назоратини жорий қилиш энг долзарб масала сифатида кўрилиши лозим. Ҳуқуқий онги ўсган шахс эса, юқорида зикр этилган қонунбузилишлари бўйича нафақат давлат судларига, балки халқаро органларига мурожаат қилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ҳам давлат обрўсига, ҳам суд обрўсига, ҳам давлат бюджетига путур етказди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим масала – аҳоли ҳуқуқий онгини янада юксалтиришдан иборат бўлиб, мазкур соҳада халқ ҳўжалигининг муҳим тармоғларида инсон ҳуқуқлари таъминланишини тарғиб қилишдан иборат бўлиши лозим. Фикримча, бу борада амалга оширилиши лозим

бўлган муҳим чоралар дастлабки тергов ва суриштирув давомида жиноят процесси иштирокчилари, айниқса гумонланувчи, айбланувчи ҳуқуқлари, коммунал хўжалик хизматларидан фойдаланишда аҳолининг ҳуқуқлари, судга мурожаат этиш тартибини изоҳлайдиган махсус рисоаларни чоп этиши лозим. Аҳоли ҳуқуқий онгини ошириши давлат сиёсати даражасига кўтарилган бугунги кунда айнан процессуал нормаларининг аниқ бажарилишини назорат қилиб бориш ғоят муҳим. Чунки бугун аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича олиб борган ҳаракатларимиз, эртага ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти шаклланган шахсни беради. У эса, ўз навбатида, маънавий ва моддий зарарни қоплаб берилиши юзасидан ариза билан мурожаат қилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ, 1997.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
4. Каримов.И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
5. Каримов И. Асарлар тўплами. 1-20 жилдлар. Т.: Ўзбекистон. 1996-2012.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 32 б.
7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон. 2010 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2014. – 40 б.
9. Рустамбоев М., Ахмедов Д., Хидиров С., Беков И. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш (лотин ёзувидаги дарслик) Т.: Янги аср авлоди, 2005.
10. Ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси/ О.Каримованинг умумий таҳрири остида. Т.: ТДИУ, 2009. – 141 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. бакалавриятнинг ноюрidik йўналишлари учун. Ўқув қўлланма, муаллифлар амоаси. Т.: Ўзбекистон, 2001. –463 б.
12. Жалилов Ш.И., Ганиева Г.Ю. Конституциявий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма – Т.: ЎМУ, 2005.
13. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: ТДЮИ. 2005. – 545 б.

14. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи фанига схемали ўқув-методик қўлланма.// Сўз боши А.А.Азизхўжаев; Тузувчилар: О.Хусанов, Х.Азизов ва бошқ. Т.: Шарқ, 2001. –128 б.
15. Жалилов Ш.И., Г.Ю.Ганиева. Конституциявий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. Т.: ЎМУ, 2008.
16. Таджиханов У., Одилқориев Ҳ., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т.: “Шарқ”, 2001, ИИВ Академияси.
17. Бегматов А. “Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши”.Т.: “Шарқ”, 2000
18. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти нашриёти, 2003
19. Миллий истиқлол ғояси. Дарслик. Т.: Академия, 2005
20. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2002
21. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Т.: Наврўз, 2005

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://edu.bilimdon.uz>
3. [http:// www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
4. [http:// www.ref.uz](http://www.ref.uz)
5. [http:// www.kodeks.uz](http://www.kodeks.uz)
6. [http:// www.lawlib.uz](http://www.lawlib.uz)
7. [http:// www.auditorium.ru](http://www.auditorium.ru)